

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 14-yanvar, chorshanba № 4 (15850)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, кадрли юртодошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг — ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг худудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамшиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбар-

час боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Ҳар қандай давлатнинг кучқудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилдан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва аъёнларимизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, кўшинлар-

нинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислохотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарт ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг муҳофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий муҳофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Авваламбор, юртимизда Конституциямиз ва қонунларимиз асосида, қизғин курашлар руҳида бўлиб ўтган сайловларда эл-юртимизнинг ишончини қозониб, Қонунчилик палатаси депутати деган юксак шарафга сазовор бўлган сиз, муҳтарам халқ вакиллари чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиз ҳат-саломатлик, фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мен кўпчилик мана шу муҳташам залда ўтирганларни яқиндан билмасам ҳам, бугун сизларнинг иссиқ юзингизни, очиқ чеҳрангизни кўриб, ўзимни худдики сизлар билан яқиндан танишгандек ҳис қилмоқдаман.

Ҳар қайси инсоннинг ҳаётида унинг ҳаёлида, хотирасида умрбод сақланиб қоладиган унутилмас воқеалар бўлади.

Сизларнинг барчангиз учун бугун ана шундай катта хурсандчилик куни, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизлар муяссар бўлган, юртимиз ҳаётида улкан воқеа бўлган бундай шарафга эришиш, яъни, халқ ва-

кили бўлиб, беш йил давомида парламентда иш олиб бориш, сайловчилар билдирган юксак ишончини оқлаш — **бу катта бахт, шу билан бирга, катта масъулият демакдир.**

Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада раванқ топтиришда менинг ҳам қўшган ҳиссам бор, деб мамнун бўлиб, рози бўлиб яшаш ҳаммага ҳам буюрмайди.

Шу маънода, бугун мана шу гўзал ва ҳашаматли, янги тарихимиздаги кўп унутилмас воқеаларга гувоҳ бўлган бинога айна шундай ҳиссиётлар билан қадам қўяётган сиз, муҳтарам депутатларга жамоатчилигимиз, сайловчиларимиз, ўттиз бир ярим миллионли халқимиз гўёки оқ фотиҳа бермоқда, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

(Давоми 2-саҳифада)

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

## ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

“Туркистон” саройида 13 январь куни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси муҳофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

(Давоми 4-саҳифада)

Osiyo kubogi — 2015



## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЧЕМПИОНАТНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Футбол бўйича Австралияда бўлиб ўтаётган XVI Осиё кубоги мусобақаси миллионлаб мухлисларга олам-олам завқ улашяпти. Бугунга қадар барча гуруҳларда 1-тур учрашувлари ниҳоясига етди.

Шубҳасиз, юртимиз футбол мухлислари диққат-марказидаги ўйин Ўзбекистон ва КХДР терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Сиднейдаги “Avstraliya” стадионида бўлиб ўтган бу галги олтинчи тўқнашувда ҳам устунлик вакилларимиз томонида бўлди.

(Давоми 7-саҳифада)

Imkoniyat

## 1167 НАҒАР КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — ЭНДИ ФЕРМЕР

Яқин-яқингача деҳқон деса чопон кийиб, белига белбоғ, пешонасига қийиқ боғлаган 50-60 ёшлардаги киши кўз олдимизга келарди. Бугун-чи? Бугуннинг деҳқонлари бошқача. Масалан, атиги уч йилгина олдин мактабни битириш имтиҳонларини ҳаяжон билан топширган йигит-қизлар, касб-хунар коллежларида ўқиб, малакали фермер, тадбиркор, уста-хунарманд бўлиб камолга етмоқда. Улар учун имкониятлар кенг. Кимдир «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловида иштирок этса, яна бири «Менинг бизнес ғоям» танловида ўз салоҳиятини синовдан ўтказди.

(Давоми 6-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент куйи палатасининг биринчи мажлисини қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мажлисининг кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди. Бунда Ўзбекистонда парламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, қонун ҳужжатларининг талабларига, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар

ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.

Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга ташвиқот олиб бориш, ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли кенг қатламларига етказиш учун тенг шароитлар яратилди. Қонунчиликка мувофиқ мамлакатимиз фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун кенг имкониятлар яратилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини юзлаб халқаро ва маҳаллий кузатувчилар кузатиб борди.

(Давоми 4-саҳифада)

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми, бошланиш  
1-саҳифада)

Менинг сизлар билан бугунги учрашув, бугунги чиқишимдан асосий мақсад – Олий Мажлисининг аввалги таркибида иш олиб борган депутатлар фаолиятига баҳо бериш, янги сайланган парламентнинг вазифалари ҳақида сўз юритиш эмас.

Насиб этса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўладиган кўшма мажлисида бу ҳақда атрофлича, чуқурроқ гаплашиб оламиз.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, аввало, сиз, азизларим билан кўришиб, сизларни чин қалбимдан табриклаб, мамлакатимизни замон талаблари асосида, барқарор суръатлар билан тараққий эттириш, бунинг учун кенг кўламли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, шу борада олдимизда турган энг долзарб масалалар ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни истардим.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз гоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган таъшишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақида, ўйламанки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз хушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар гаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилинмоқда.

Мана, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетганига 23 йилдан ошди. Бир пайтлар унинг таркибида бўлган республикалар аста-секин оёққа туриб, қад ростлаб, мустақил тараққийёт йўлида қадам қўйишга интилоқда.

Айнан бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистонимизни оладиган бўлсак, Яратганга минг бора шукурлар бўлсинким, бугунги кунда, аввало, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати ҳисобидан эришяётган ютуқ ва марраларимизни дўстларимиз ҳам, муҳолифларимиз ҳам тан олмоқда, ислохотларимиз самарасини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. **Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб бизга хавас билан қараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, айрим собиқ иттифоқ-

дош республикаларнинг бугунги ривожланиш даражаси ва улар дуч келаётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққийоти билан солиштирадиган бўлсак, ўртада қандай катта фарқ борлигини яққол кўриш, кузатиш қийин эмас.

Биз тарихан қисқа даврда, ўтган асрнинг 90-йилларида, энг оғир ва таҳликали бир шароитда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, четдан бўлган турли тазйиқлар ва сохта ваддаларга учмасдан, Ўзбекистонимиз учун яққо ягона тўғри, яъни тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, узоқни кўзлаб, етти ўлчаб бир кесган ҳолда, бошқача айтганда, шошма-шошарликка берилмасдан, “Мен минтақада биринчидан, мен дунёда биринчилар қаторидаман” деган мақтов сўзларни ишлатмасдан туриб, **пухта ўйланган вазмин сиёсат олиб борганимизни бугун ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаб бермоқда.**

Айнан ана шундай тўғри йўлни танлаганимиз туфайли мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сифидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича **улкан, айтиш мумкинки, асрларга тенг бўлган йўлни босиб ўтдик.**

Бугун мустақил тараққийёт йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваломбор, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан. Яъни, янги ҳаёт, янги жамият куриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажриба-мизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан, **ўз олдимизга қўйган буюқ мақсадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз, десам, ўйламанки, барчангиз бу фикрга қўшилсиз.**

Мана шундай ўта таҳликали вазиятда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белни маҳкам боғлаб, қандай оғир бўлмасин, ўз йўлимизда қатъият билан давом этганимиз, чет мамлакатлардан тақлиф қилинаётган сармояларни эл-юртимиз манфаатини кўзда тутиб, чуқур ўйлаб ишлатганимиз, такрор айтишим керак, биз учун энг тўғри йўл бўлди. Шу тариқа биз нафақат сиёсий, аввало, иқтисодий мустақиллигимизни сақлашга ва мустаҳкамлашга эришдик.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам мустақил тараққий-

ёт йўлига ўтди. Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. “Пахта иши” деган уйдирма ва бўҳтонлар, Марказдан юборилган, ўзини “десантчилар” деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим. Афсуски, тарихчиларимиз, адибларимиз бу ҳақда кам ёзади. Холбуки, биз учун олис тарих бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек даври ҳақида қанча китоблар ёзилган. Ёзилиши керак ҳам. Айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда рўй берган мана шундай фожиали воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим. Мактабларимизда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларимизда айни шу мавзуларни холис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Бунинг учун аввало мустақилликка эришиш арафасидаги оғир кунларни бевосита кўрган, шу воқеаларнинг гувоҳи бўлган одамларнинг эсдалик ва хотираларини ёзиб олиш зарур.

Шуни эсда тутиш керакки, тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ.

Бугунги кунда баъзи мамлакатларда эски совет даврини кўмсаш, ўша замонга қайтиш учун турли уринишлар бўляпти. Айрим хорижий телеканалларда Ленин даврини, Сталин даврини, СССРни улуглаш кайфиятлари кучайиб борапти. Бундай қараш, бундай ёндашув бизга асло маъқул эмас. Бизнинг ўз ақлимиз, билим ва тажриба-миз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва тутқунликка қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Ота-боболаримиз айтганидек, кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

Мен Конституцияимизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда билдирган фикримни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман – биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч қандай иттифоққа ҳеч қачон кирмаймиз, мустабид совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига, Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман.

Маълумки, иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб сиёсий мустақилликка эришиб бўлмайди. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда четдан бизга маслаҳат берадиган, ақл ўргатадиган қандай “дохий”лар, қандай иқтисодчилар майдонга чиққан эди. Улар бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўро-

на нусха олишга, мавжуд вазият, миллий хусусият ва аъналарни четга суриб қўйиб, қанчалик урингани ҳали-ҳамон эсимизда.

**Халқимизда бир эшикка киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак, деган мақол бор.** Ўзингиз ўйланг, қарз ҳисобидан олган сармояларни қаёққа ишлатишни олдиндан пухта ўйламасдан, аниқ стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ўрнига бошқаларга ўхшаб, еб қўйган бўлганимизда, бугун қандай аҳволда бўлардик? **Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур деб биламан.**

Лекин ҳаммамизга яхши маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққийёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва бепишанд қараса, **эришган ютуқларига махлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолақлик ва армонда қолиб кетади. Бу – ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак.**

Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни, бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазифаларимиз камайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Албатта, барчамиз бу ҳақиқатни яхши тушунамиз ва бу йўлда яна қанчадан-қанча кутилмаган қийинчиликлар, турли синовлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўзимизга тасаввур қиламиз.

Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган, амалда ўзини оқлаган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққийёт йўлимиз ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўрта ва узоқ истиқболда биз учун келажак Стратегияси бўлиб хизмат қилмоқда, аниқ йўлни кўрсатмоқда.

Қадрли депутатлар!

Сизлар ўз зиммангизга олган вазифаларни адо этишда, албатта, кўп жиҳатдан ўрганишга, тажриба топишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ўрганишга, ўз устингизда ишлашга, профессионал даражангизни оширишга доим тайёр бўлишингиз керак. Ҳар биримиз ўқиш-ўрганишдан ҳеч қачон тортинмаслигимиз зарур. Ҳамма нарсани биламан, деган одам янглишади. Қаранг, бугун болаларимиз ўқиб-ўрганиб, ўз устиди ишлаб ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғаймоқда. Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни

пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган бундай авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, излаш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққийётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасидан ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққийоти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

Биз, давлатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясига амал қилган ҳолда, турли сиёсий-ҳарбий блокларга қўшилмаймиз, ўз худудимизда хорижий ҳарбий базалар ташкил қилишга йўл қўймаймиз. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, узоқ ва яқин кўшнларимиз билан тил топишиб, аҳил ва иноқ бўлиб яшашдан иборат.

Барчамизга маълумки, депутат қайси партияга мансуб бўлмасин, биринчи навбатда, сайловчилар олдида, эл-юрт олдида жавоб беради. Партиялар жамиятнинг маълум бир қатлами манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган куч сифатида парламентда бир-бирига рақиб ёки муҳолиф бўлиши табиийдир.

Лекин ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистон манфаати, ягона халқ манфаатлари ҳақида сўз борганда, **уларнинг барчаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркорлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.** Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоямиз – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қиладиганидан сизлар албатта яхши хабардорсиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгариш ва янгилашлар туфайли парламентнинг ваколат доираси янада кенгайди. Конституцияимизга тегишли ўзгаришлар киритдик. Ҳокимиятнинг учта бўлинига, яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини яратиш бўйича аниқ ишлар қилинди.

Айни вақтда парламент таркиби – структураси, унинг баъзи бир ташкилий жиҳатлари эски замонни эслатишини, ҳали-бери расмиятчилик аломатлари сақланиб қолаётганини ҳам очик айтишимиз ва бу муаммоларни ҳал қилиш устида ишлашимиз керак.

(Давоми 3-саҳифада)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми, бошланиши  
1-, 2-саҳифаларда)

Муҳтарам дўстлар!

Ўзингиз кўриб турибсиз, дунёда олдин ҳеч содир бўлмаган, учрамаган ўта оғир, ўта мураккаб зиддият ва низола, сиёсий қарама-қаршилиқлар, жаҳон миқёсида 2008 йили бошланган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари давом этаётган, бир сўз билан айтганда, ноаниқлик ва охирини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар юз беришининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мана шундай ғоят мураккаб вазиятда янги – 2015 йил ва ундан кейинги йилларда биз ўз олдимизга қўяётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичда давом эттириш, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, лўнда қилиб айтганда, юртимизни, Ватанимизни янада обод ва фаровон этишдек аниқ ва эзгу мақсадларга эришиш мумкинми, деган безовталиқ пайдо бўлиши мумкин.

Буни ҳам тўғри тушуниш керак. Лекин мана шундай ўта масъулиятли пайтда бир чеккада томошабин бўлиб ўтириш асло мумкин эмас. Файласуфлар айтганидек, бу дунёда душмандан эмас, аввало, лоқайд, бепарво ва бетараф одамлардан қўрқиш керак. Менинг сизларга тилагим, давватим шуки, халқ вакиллари аввало курашчи бўлиши керак. Мана шу муқаддас замин учун, Ўзбекистонимиз учун, халқимизнинг тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ишлашимиз, курашимиз зарур.

Мен чет эллик сиёсий арбоблар, катта ишбилармонлар билан учрашганда, улар бизнинг фарзандларимиз ҳақида ҳавас билан “Ёшларингизнинг кўзи ёниб туради” деган фикрни кўп эшитаман. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда Ватани, халқи учун курашга бел боғлаган, софдил, иродаси мустаҳкам ёшларнинг кўзлари ёниб туради. Бугун мана шу залда ҳам кўзлари ана шундай ёниб турган одамларни кўриб, “Балли, сизларга!” деб айтмоқчиман.

Юқорида зикр этилган хавотирли саволларга нисбатан, ўйлайманки, барчамизнинг жавобимиз битта, яъни, биз босиб ўтган ривожланиш йўлини, эришган марра ва ютуқларимиз, энг муҳими, бизнинг бугунги салоҳиятимиз, куч-қудратимизни 90-йиллардаги давр билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Чунки бизнинг бугунги халқимиз, бизнинг бугунги жамиятимиз – бундан ўн йил, йигирма йил олдинги халқ ва жамият эмас.

**Бугунги кунда одамларимизнинг фикри-зикри, дунёга, ҳаётга қарши тубдан ўзгариб, уларнинг тобора юксалиб бораётган сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти, фаол гражданлик позицияси, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган азму қарор билан олдинга интилаётгани биз эришган ва келгусида кўлга киритадиган катта-катта ютуқ ва марраларнинг мустаҳкам пойдеворига айланаётганини кўрмаслик, англамаслик ва буни тан олмаслик мумкин эмас.**

**Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуг зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интиладиган бундай халқни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.**

**Мана шундай меҳнатқаш, олижаноб ва бағрикенг халққа фарзандлик садоқати билан хизмат қилиш – барчамиз учун юксак шараф, олий саодатдир.**

Азиз юртдошларим, ҳурматли депутатлар, мана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга яна бир бор бахт ва омад тилайман.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ҲИМОЯЧИЛАРИГА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бизнинг Қуроли Кучлар курилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуроли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги ўзлаштириш ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқароши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантқиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа курилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулоти мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғу-

лотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жожибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваломбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод воёга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуроли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳ-

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда омад иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти – мамлакатимизда обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар! Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршилиқларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучайётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбуримиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта худудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва инфорацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига пугур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали биз-

нинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан аниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда хушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуроли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатида ҳамма содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуроли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз худудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуроли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги – 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти,  
Қуроли Кучлар  
Олий Бош Қўмондони**

# ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Мамлакатимизда тинч ва асуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат республикамизга ўз ҳарбий сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини берди. Мазкур қонун, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги баёнот мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажариш имконини яратди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ватанимизни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланган. “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунларда



Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

Кейинги йилларда Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислохотлар натижа-сида миллий армиямизнинг ташкилий-штат тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатлигини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айна вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклла-

надиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалдаги имтиёзлар янада кенгайтирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан ва маънан етук ёшлар билан тўлдирishга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйлари-га эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари кунини мамлакатимизда “Ватан

— улуг, бурчим муқаддас!” шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазир-ятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ҳар бир йигит, аввало,

эл-юртимга садоқат билан хизмат қилсам, деб ният қилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари кўмондонининг ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби, подполковник Лочинбек Мамажанов. — Мен ҳам юртимизнинг ана шу бахтиёр фарзандлари қаторида эканимдан фахрланаман. Биз, ҳарбийлар давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаймиз. Хизматда ҳам, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнимизга эгамиз. Бу бизга катта куч ва беқиёс маънавий-руҳий мадд беради.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан “Мардлик” ордени соҳиби, капитан Жаҳонгир Ваҳобов, “Жасорат” медали соҳиби, кичик сержант Жаҳонгир Хусанов, аскар онаси Зулхумор Раҳмонқуллова, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар барча Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислон Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросимда та-ниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намоиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Умуман олганда, бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуқлиги ўсганлигини ёрқин намоён этди. Сайлов Ўзбекистон халқининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳоли фаровонлиги ва Ватан равнақини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги ҳамжиҳатлигининг кўзгуси бўлди.

Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтиб, мазкур йиғилишларда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон

Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи шакллантирилди, уларнинг раҳбарлари сайланди. Мажлис чоғида палата аъзолари сиёсий партиялар фракцияларини ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг тақлифига кўра қуйи палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгашини тузди.

Оқсоқоллар кенгашининг тақлифига биноан депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари лавозимларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиевни, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратовни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмоновни, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаровни, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни сайлади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кўмиталар раиси лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублиги ҳамда сайловда олинган сайловчилар овозлари сони ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Кўмиталар раиси лавозимига номзодлар юзасидан тақлифлар депутатлар фракциялари раҳбарлари томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар асосида киритилади. Шу муносабат билан Қонунчилик палатасининг депутатлари томонидан қуйи палата кўмиталарининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда кўмиталар раисларининг лавозимларини сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар парламент қуйи палатаси кўмиталари раисларини ҳам сайлади.

Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

Vatan — ulugʻ, burchim — muqaddas

# «ХИММАТИ БЎЛСА БИР ЗЎР АРСЛОНЧА БОР!..»



Боғбон эрта баҳорда ерга қадаган ниҳолларнинг мева беришидан, ўқитувчи шоғирдларининг камолотидан, олим илмий ишларининг натижасидан, қурувчи эса қурган биноларининг кўркамлигидан қониқиш ҳосил қилади. Ватанни ҳимоя қилаётганлар-чи? Куну тун қўлида қурол билан осойишталик ҳимоясида турганлар-чи? Улар қачон қониқиш ҳосил қиладилар? Сухбатдошимиз — майор Азиз Арзимуродов мулоҳазаларини ўқиб кўринг-а...

**Майор Азиз АРЗИМУРОДОВ.**

1981 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси. Батальон командири. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентининг фармонида биноан «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Ўйланган. Ирода ва Ўзғоза исмли қизларнинг отаси.

## УЧ КИТОБ

Сафимизга қўшилаётган ҳарбий хизматчилар билан ишлаш, бир қарашда ҳам осон, ҳам қийин. Бунинг осонлиги командир унга шахс сифатида қараши керак, бунинг акси бўлса, у билан ишлаш қийин бўлади. Шунинг учун аввало уларнинг таржимаи ҳоли билан танишаман. Оиласидаги муҳитга, хизматни танлашига нима сабаб бўлганига, мақсади нима эканлигига қизиқаман. Шуларнинг ўзи ҳам кўп нарсани ойдинлаштиради. Кейин янги ҳарбий хизматчини тўғридан-тўғри қийинчиликка дуч қилмаслик керак.

Столим устида мана кўриб турибсиз, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Умумҳарбий низомлар ва Қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар низоми бор. Мана шу учта китоб кўп ишни бажаради.

## «ОР-НОМУСИ ДЕБ...»

Шахсий таркиб олдида бўлган командир эгаллаб турган ўрнига муносиб, ҳар жабҳада ўрнак, биринчи бўлиши лозим. Юсуф Хос Ҳожиб шундай дейди: «Аскарлар тепасида турган киши салобатли ва хушрўй, айна пайтда қаттиққўл ва талабчан бўлиши шарт, бу ёмонларни қўрқитади. Лашкар бошлиғи уят-андишали, ор-номусли бўлсин. Эрақ киши ор-номуси деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Ор-номус туфайли у ёв лашкарини пароканда қилади». Бундан минг йил олдин айтилган бу фикрлар ҳозир ҳам қимматини йўқотгани йўқ. Яъни ҳақиқат ҳамма замонларда ҳам ҳақиқатдир.

Ҳар куни тонгда батальон шахсий таркиби билан бадантарбия қилишни канда қилмайман. Шунингдек, дала машқларида ҳам улар билан доим биргаман. Ҳарбий хизматчининг ўзига хос катта самара берадиган мактаби бу — дала-ўқув майдонидир. Ўқув топшириғини амалий бажарганда одамнинг кўзи ҳам, қўли ҳам ўрганари. Назарий жиҳат-

дан жуда мукамал билимга эга ҳарбий хизматчи амалиёт машғулотида етарли даражада иштирок этмаган бўлса, командиридан ўрнак олмаса, барибир натижаси яхши бўлмайди.

## БИЗГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида шундай дейилади: «Ҳозирги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилик, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб, умуман, вазият тобора кескинлашиб бораётгани барчамизни хавотир ва ташвишга солиши табиийдир. Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда. Бизга тинчлик ва омонлик керак. Мана шундай эзгу фикр, эзгу интилиш барча барчамизнинг юрагимиз, қалбимиздадир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан». Бу сўзларнинг замирида катта маъно бор. Ахир, ким ис-тамайди тинчлик ва омонликни? Машғулотлар вақтида ҳарбий хизматчиларга дунёда бўлаётган воқеаларни кўп эслатаман. Ундан хулоса чиқаришларини сўрайман.

## ОДДИЙ АСКАРЛАР

Кейинги йилларда муддатли ҳарбий хизматга ҳар жиҳатдан тайёрланган, ўрта-махсус билимга, ўз фикри ва дунёқарашига эга бўлган йигитлар келаяпти. Бу эса бизнинг олдимизга қўйилган вазифаларни тўлақонли адо этишимизга сабаб бўлмоқда. Уларнинг жанговар тайёргарлик машғулотидаги қизиқишлари катта. Ўтган йили батальонимиз оддий аскарлари олий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёз берадиган тавсиянома учун бўлиб ўтган тест синовларида энг юқори баллини тўпладилар. Бу ҳам меним-

ча, батальонимизда ўқув машғулотида қай даражада ўтказилаётганлигининг далолатидир.

## ОЙНА ОСТИДАГИ ҚОҒОЗ

Ҳаётда ҳам, хизматда ҳам давлатимиз раҳбарининг, ўтмишда яшган улуг саркардаларимизнинг ўғитлари менга кўп ёрдам бераётганини айтиб ўтишим керак. (Стал устидаги ойнани кўтариб, унинг остидаги бир варақ қоғозни олиб кўрсатади). Мана Амир Темурнинг тузукларидан кўчирмалар. Бу ёзувларни ҳар куни бир ўқиб чиқаман. Кимга қандай муомала қилиш, ҳарбий хизматдаги муносабатлар... Темурнинг Тўхтамишхон билан муносабатлари менга қаттиқ таъсир қилган.

## АВВАЛ ЎЗИНГ ИШОН

Мен шундай ўйлайман: ўзинг қилдиган ишинга ўзинг ишонсанг, қолганлар сенга эргашади. Шунинг учун командирнинг қўл остидагилар ишончини қозониши катта гап. Батальонда ҳарбий хизматчилар кўп. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиш кўп вақтни олади. Бироқ кези келганда ҳаётдаги мисоллар, таққослар билан бўлган самимий, эркин суҳбат кўп масалаларни ойдинлаштиради. Эътибор берганмисиз, одамнинг ички туйғулари, нимани ўйлаётганлиги унинг юзида ўз аксини топади. Баъзи бир ҳарбий хизматчилар хонамга келганда ўз муаммосини айтишга қийналади. Шунда «кўзинг, ҳолатинг айтиб турибди, гапир», дейман. Муаммосини яхшилик билан ҳал қилишга ҳаракат қиламан.

## ҲАРБИЙ ЖАМОАДАГИ БИРЛИК ТУФАЙЛИ

Батальонимиз взводлари ўртасида «Билимдонлар» викториниси, «Энг яхши китобхон», «Қувноқлар ва зукколар» ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари кўп ўтказилади. Шу боис ҳарбий қисм миқёсида ўтказилаётган белла-

шув ва мусобақаларда бир неча соврин бизники бўлади. Ҳарбий жамоамиз қисмда уч йилдан буён «Энг илғор батальон» номини қўлдан бой бергани йўқ. Менинг давлат мукофоти билан тақдирланишимнинг сабаби ҳам мана шу йигитларнинг фидойи хизмати туфайли. Уларсиз бир ўзим ҳеч нимага эриша олмасдим. Уларнинг интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотидаги ютуқлари, ҳарбий жамоадаги бирлик муваффақиятнинг гарови бўлмоқда.

## ЁЛҒОН ЁЛҒОННИ ЕТАКЛАБ КЕЛАДИ

Оила мустақамлиги менинг фикримча, оила бошлиғига боғлиқ. У ўз сўзида мустақам, тарбияли бўлиши керак. Уйдаги муаммоларни кўчага, ишдагиларни уйга ташиб юрмаслиги, ҳар бир муаммони ўз ўрнида ҳал қилиш лозим. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Биласизми, ёлғон ёлғонни етаклаб келади. Шунинг учун тўғрисиқ инсонларни ёқтираман. Улар мард бўлади.

## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИДАН

### ЎГДУЛМИШ СЎЗИ:

*Кўшин бошлиғига керак кўп қилиқ,  
То ёви юз урса, тузолса йўриқ:*

*Уруида зўр арслон юраги керак,  
Қураида-чи, қоплон билаги керак.*

*Тунғиздек ҳужумкор, бўридек кучи,  
Айиқ шиддатию қўтоснинг ўчи.*

*Яна уста бўлса қизил тулқидек,  
Туя эркагидек қила олса кек.*

*Зағизгон мисоли ҳушёр, соғ ўзи,  
Қоя қузғунидек кўролса кўзи.*

*Ҳиммати бўлса бир зўр арслонча бор,  
Мисли бойқуш бўлса тунлари бедор.*

*Шу хил ҳунар билса лашкар бошлиғи,  
Ёви енгиледи йиқилиб туғи.*

*Бу хил бошлиқ агар қўшин бошласа,  
Баланд бўлар қўли оёқ ташласа.*

## ҚОНИҚИШ

Шаҳарга чиққанимда мамлакатимиздаги ўзгаришларни, янгиланишларни кўриб қувонаман. Демак саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, ташаббуслари билан юртимизда кечаётган ислохотларга ўзимизнинг камтарона хизматларимиз билан ҳисса қўшаётганлигимиздан кўнглимда бир қониқиш ҳосил бўлади. Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга ўзимда яна бир куч сезаман.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**  
ёзиб олди.

# 1167 НАФАР КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — ЭНДИ ФЕРМЕР

**(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)**

Коллежни битириб, меҳнати, интилишлари билан эл-юртга наф келтираётган ёшлар кўп.

Яқинда Сирдарё вилоятида 1167 нафар коллеж битирувчисига томорқа ерлари ажратилгани, тенгдошларимиз улардан самаралаи фойдаланиш учун енг шимариб ишга киришгани бунга мисол.

Мазкур ташаббус Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа идоралар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Тушунтириш ишлари натижасида қарийб 1400 нафар битирувчи деҳқон хўжалигини ташкил этиш истагини билдирди. Улардан 1167 нафарига жами 271,9 гектар ер майдони тақсимлаб берилди. Ўз навбатида, фермерлик фаолиятини бошлаган ёшларга

меҳнат дафтарчалари ҳам очилган.

— Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини таъминлаётган йигит-қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида кўмаклашиш доимо диққат марказимизда, — дейди «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши бўлим бошлиғи Элёр Жўраев. — Бу борада мутасадди давлат органлари ва ташкилотлари,

этишга ҳаракат қиляпмиз.

Таъкидлаш керак, вилоятда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашда бирламчи эътибор уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга қаратилган. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган, хусусан, деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш хошишини билдирган ёшларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.



тижорат банклари, Ҳаракат вакиллари билан иборат махсус ишчи гуруҳ шакллантирилган. Ҳамкорлар билан мунтазам алоқа ўрнатиб, белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида масалани ижобий ҳал

Биргина ўтган йилнинг охиригача икки ой мобайнида 131 нафар битирувчи шахсий бизнесини йўлга қўйиш учун банкдан жами 250 миллион сўмдан ортиқ кредит олди. Улардан бири Хуррият Исро-



илова Боёвут туманида гўзаллик салонини очган.

— Тикувчиман. Боёвут енгил саноат касб-хунар коллежини таъминладим, — дейди тадбиркор тенгдошимиз. — Гўзаллик салоним бўлишини кўпдан бери орзу қилганман. Ёшларга қаратилаётган эътибор натижасида шундай имкониятга эга бўлдим. Бизнес режам маъқулланиб, «Микрокредитбанк» филиали менга 2,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Ҳозир коллеж биносида фаолият кўрсатаяпмиз. Келгусида салонни кенгайтириб, яна икки нафар битирувчини ишга олмақчиман.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати меҳнат ва аҳоли-

ни ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида мунтазам равишда битирувчилар учун меҳнат ярмаркаларини ўтказиб келмоқда. Яқинда бундай тадбир Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида ташкил этилди.

Ярмакага олти юз нафардан зиёд касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб қилинди. Уларга юздан ортиқ ташкилот ва муассаса томонидан 2342та бўш иш ўрни таклиф этилди. 52 нафар ёшга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Миллий армиямиз — тинчлик ва осойишталик ҳимоячиси



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан юртимизда байрам тадбирлари, учрашувлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Тошкент Фотосуратлар уйида ҳам Мудофаа вазирлиги ва Бадий академия ҳамкорлигида «Менинг армиям — менинг фахрим» номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада Камолидин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талаба-магистрантлари, ҳарбий хизматчилар фарзандларининг расм, фотосурат, халқ амалий санъатининг бошқа турларига оид 350дан ортиқ ижодий иши намойиш этилмоқда.

Ижодий ишларда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, миллий армиямиз ва ҳарбийларнинг фаровон ҳаёти акс эттирилган.


Чизган суратлари билан иштирок этган Оқибат Расулованинг ижодий ишида миллий

армиямизнинг куч-қудрати ифодаланган.

— Ватан ҳимоячилари бор экан, биз хотиржам ижод қиламиз, таълим оламиз, келажакка ишонч билан қадам қўямиз, — дейди ёш мусаввир Оқибат Расулова.

— Ушбу кўргазмада «Менинг армиям — менинг фахрим» деб номланган ижодий ишим ҳам намойиш этилмоқда.

**Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,**  
«Turkiston» мухбири



Рустам Назарматов олган суратлар



## Офицерлар билан Видеомулоқот

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида Самарқанд вилоятида ҳарбий хизмат қилаётган хоразмлик ёшлар билан уларнинг ота-оналари ўртасида видеомулоқот бўлиб ўтди.

Мазкур ташаббус Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилди.

Тадбирда Самарқанддан келиб Хоразмда ўз йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбийлар ҳам қатнашди. Видеомулоқот давомида офицерларга байрам кутловлари йўлланди. Йиғилганларга

концерт дастури намойиш этилди.

— Ватанимга хизмат қилишдек шарафли вазифани бажарар эканман, Юртбошимиз, халқимиз, оилам ва яқинларимнинг мададини ҳамиша ҳис қилиб тураман. Бугунги байрам эса қалбимни тоғдек кўтариб юборди, — дейди оддий аскар Усмонхон Исломов.

**Шахло САФАШЕВА**

## Xabarlar

## Ватанига содиқ ўғлонлар

Ватан туйғуси қалбда илдиз отади. Юрт тинчлиги ва сарҳадларининг дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг фидокорона хизматлари бугун муносиб қадрланмоқда. 14 январь — Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан барча ўқув даргоҳлари ва жамоат ташкилотларида учрашувлар, маданий-маърифий кечалар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтохур туманидаги 34-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

«Биз ватанга содиқ посбон» мавзуида ташкил этилган кечага ташриф буюрган ҳарбий қисм командирлари ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, қуруқликдаги қўшин, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва миллий гвардия ҳақида маълумот берди.

— Байрам арафасида ҳарбийлар билан уюштирилган бундай учрашувлар ёшларда юртга садоқат ва муҳаббат, миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусининг янада жўш уришига хизмат қилади, — дейди мактаб ўқитувчиси Светлана Худойберганова.

Тадбирда ўқувчилар томонидан ижро этилган «Аскар акам», «Чегарачи» каби куй-қўшиқлар, сахна кўриши барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,  
«Turkiston» муҳбири

## Икки авлод учрашуви

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб юртимизнинг барча ҳудудларида маданий-маънавий, ватанпарварлик йўналишида турли тадбирлар ўтказилляпти. Ана шундай тадбирлардан бири Пастдарғом туманидаги «Агран» маҳалла фуқаролари йиғинида бўлиб ўтди.

«Ватанга хизмат — яхши фазилат» мавзуидаги мазкур тадбир туман мудофаа бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда бир гуруҳ ёшлар қатнашди.

Икки авлод учрашувига айланиб кетган тадбир давомида қишлоқ ёшлари ўртасида волейбол ва шахмат-шашка мусобақалари ҳам ўтказилди.

Ўткир ПЎЛАТ

## Юрт посбонлари заковат бемашувида

Қашқадарё вилоятидаги Ёшлар марказида ҳарбийлар ўртасида «Тафаккур» интеллектуал ўйини ўтказилди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган интеллектуал ўйинда ҳарбий қисмларнинг «Тафаккур», «Ҳимоячи», «Алоқачилар», «Само лочинлари», «Ўзбегим», «Парвоз» ҳамда Қарши сержантлар тайёрлаш мактабининг «Интеллект» жамоалари ўн битта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Ақл-заковат беллашуви натижаларига кўра, «Само лочинлари» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Парвоз» жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, «Ўзбегим» жамоаси учинчи ўринни банд этди. Голиб жамоаларга Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир доирасида Мудофаа вазирлигига қарашли етти ҳарбий қисмга «Камолот» кутубхонаси»ни ташкил этиш мақсадида китоблар тақдим этилди.

Ахрор СОДИКОВ,  
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши  
матбуот хизмати ходими

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ  
ЧЕМПИОНАТНИ ҒАЛАБА  
БИЛАН БОШЛАДИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Учрашувнинг 62-дақиқасида Игор Сергеев томонидан киритилган гол терма жамоамизга Осиё Кубогидаги дастлабки очкони келтирди.

Ўзбекистон ва КХДР терма жамоалари бу ўйинга қадар беш

маротаба расмий учрашувларда дуч келган. Шундан учтасида вакилларимиз ғалабани тантана қилган бўлса, яна икки учрашув дуранг натижа билан якунланган. Тўплар нисбати термамиз фойдасига 8:2 эди! Мазкур ғалабадан сўнг бу кўрсаткич 9:2га етди.

«В» гуруҳининг яна икки вакили — Саудия Арабистони ва Хи-

той терма жамоалари ўртасидаги учрашув Чин юрти вакилларининг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Қолган гуруҳларда 1-турда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«А» гуруҳи: Австралия — Кувейт 4:1, Жанубий Корея — Уммон 1:0.

«С» гуруҳи: Эрон — Баҳрайн 4:1, БАА — Қатар 2:0.

«Д» гуруҳи: Япония — Фаластин 4:0, Иордания — Ироқ 0:1.

Кеча «А» гуруҳи вакиллари 2-тур ўйинларини бошлаб берди. Унда Жанубий Корея терма жамоаси Кувейт устидан 1:0 ҳисобида ғалабага эришган бўлса, Австралия Уммонни таслим этди — 4:0.

Бугун «В» гуруҳи жамоалари ҳам 2-тур ўйинларини ўтказди. Даставвал Тошкент вақти билан 12:00да КХДР ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўзаро куч синашса, 14:00да Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари яшил майдонда саф тортади. Брисбен шаҳрида бўлиб ўтадиган ушбу ўйинни БААлик Муҳаммад Абдулла Ҳассан бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

«ОЛТИН ТЎП»  
ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПДИ

12 январь куни бутун дунё футбол ишқибозларининг нигоҳи Швейцариянинг Цюрих шаҳрига қаратилди. У ерда футбол бўйича 2014 йилнинг қаҳрамонларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда аёллар ва эркеклар ўртасида «Йилнинг энг яхши футболчиси», «Йилнинг энг яхши мураббийи», «Йилнинг энг чиройли голи» учун Френц Пушкаш соврини, «Ҳалол ўйин учун» мукофоти ва ФИФА президенти соврини ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, йилнинг рамзий терма жамоаси эълон қилинди.

Шубҳасиз, мазкур тадбирнинг энг кулминацион нуқтаси 2014 йилги «Олтин тўп» соҳибини аниқлаш жараёни бўлди. Бу йил ушбу соврин учун «Реал Мадрид» клубининг португалиялик юлдузи Криштиану Роналду, «Барселона»нинг аргентиналик форварди Лионель Месси ва Германия терма жамоаси ҳамда «Бавария» голкипер Мануэл Нойер номзоди якуний учликни ташкил этди. ФИФАга аъзо давлатлар терма жамоаларининг бош мураббийлари, сардорлари ва журналистлар берган овозларга кўра, Криштиану Роналду 2014 йилнинг энг яхши футболчиси сифатида тан олинди. Ундан кейинги ўринлар мос равишда Лионел Месси ва Мануэл Нойерга насиб этди.

2014 йил Роналду учун ажойиб тарзда ўтди. Криштиану ўтган йилда 60та учрашувда майдонга тушиб, 61та гол муаллифи бўлди. «Реал Мадрид» билан бирга Европа Чемпионлар лигаси, Европа суперкубоги, Испания кубоги ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати голиблигини қўлга кирит-

ди. Шунингдек, португалиялик футболчи ўтган мавсум якунларига кўра, Европанинг энг яхши футболчиси, Испания премеросининг энг яхши футболчиси, ҳужумчиси сифатида эътироф этилди. Европа чемпионатлари тўпурарларига бериладиган «Олтин бутса» соҳибига айланди. Чемпионлар лигасининг бир мавсумида 17та тўп киритиб, рекорд қайд этди. Бу қаторни яна узоқ давом эттириш мумкин, бир сўз билан айтганда, Криштиану Роналду ҳақли равишда «Олтин тўп»ни қўлга киритди.

Тадбирда яна бир қатор номинациялар бўйича голиблар аниқланди. Германия терма жамоаси билан жаҳон чемпиони бўлган Йоахим Лёв 2014 йилнинг энг яхши мураббийи деб тан олинди. «Вольфсбург» клуби футболчиси Надин Кесслер йилнинг энг яхши аёл футболчиси деб топилган бўлса, ушбу клуб бош мураббийи Ралф Келлерманн аёллар футболда йил мураббийи деб эълон қилинди.

Футбол соҳасида олиб борган кўп йиллик меҳнатлари учун бериладиган «ФИФА президенти» соврини билан япониялик фахрий журналист Хироши Кагава тақдирланди.

ФИФА 2014 йилдаги «Ҳалол ўйин учун» совринини Бразилиядаги жаҳон чемпионатида ишлаган волонтер-кўнгилчиларга топширди. Эслатиб ўтамиз, 2012 йилда бу соврин Ўзбекистон футбол федерациясига



тақдим этилганди.

Колумбиялик футболчи Хамес Радригеснинг жаҳон чемпионатидаги Уругвай терма жамоаси дарвозасига киритган голи 2014 йилнинг энг чиройли голи сифатида эътироф этилди ва Френц Пушкаш совринига муносиб кўрилди.

2014 йил якунларига кўра, «Йилнинг рамзий терма жамоаси» қуйидагича кўриниш олди:

**Дарвозабон:** Мануэл Нойер (Германия); **Ҳимоячилар:** Филипп Лам (Германия), Серхио Рамос (Испания), Давид Луиз, Тигос Силва (Бразилия); **Ярим ҳимоячилар:** Анхел ди Мария (Аргентина), Тони Кроос (Германия), Андреас Иньеста (Испания); **Ҳужумчилар:** Лионел Месси (Аргентина), Ариен Роббен (Нидерландия), Криштиану Роналду (Португалия).

Санжар ИСМАТОВ  
«Turkiston» муҳбири

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

# «Камолот» уйлари

## келажакка ишонч ва бахтиёрлик бахш этади



Ёш оилалар учун бунёд этилаётган «Камолот» уйлари ўз эгаларига топширилмоқда. Яқинда бундай бахтга тўрақўрғонлик тенгдошларимиз ҳам эришди. Туманда яшовчи ўттиз икки ёш оилга имтиёзли кредит эвазига «Камолот» уйлари тақдим этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида қуриб битказилган ушбу тўрт қаватли тураржой биносининг 3 ва 4 хонали 32 хонадони калитлари фан, санъат, адабиёт ва спорт йўналишларида юксак нати-

жаларга эришган ёш оила соҳибларига топширилди.

«Ўзбекистон белгиси» кўчрак нишони соҳиби, белбоғли кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Рустамжон Умаров ана шундай бахтиёр тенгдошларимиздан. Ёш оила соҳиби янги хонадон калитини қабул қилиб олар экан, хурсандчилигини яширмади.

— Ҳар гал халқаро мусобақаларда майдонга чиқаётганимда ҳаёлимдан мен албатта ғолиб бўлишим, ота-онам, устозларим ва дўстларим ишончини оқлашим керак деган ўй ўтади, — дейди Рустамжон Умаров. — Шунга амин бўлдимки, киши ҳамма нарса-

дан аввал ўз юртини севиши керак экан. Мен ҳамиша Ватанимиз шаънини улуғлаш ҳақида ўйлаганман. Бунинг учун албатта бирор спорт тури бўйича жаҳон чемпиони ёки оламшумул кашфиёт муаллифи бўлишингиз шарт эмас. Қайси касб эгаси эканингиздан қатъи назар, ўз бурчингизни сидқидилдан бажарсангиз, албатта яхши ниятларингизга етасиз. Бугун

мен ана шундай эзгу орзуларимдан бирига эришдим. Барча қулайликларга эга уч хонали уй соҳиби бўлдим. Бунинг учун Юртбошимиздан, давлатимиздан чексиз миннатдорман.

Янги уй калитларини ўз эгаларига топшириш маросимида сўз олган Наманган вилояти ҳоқими Баҳодир Юсупов ёш оилаларни қутлаб, яхши тилақларини билдирди.

Бу каби шинам ва ҳар томонлама қулай «Камолот» уйлари вилоятнинг Уйчи ва Мингбулоқ туманларида ҳам қуриб битказилиш арафасида.

**Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА,**  
**«Камолот» ЁИХ Наманган вилояти кенгаши матбуот хизмати ходими**

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАДАНИЙ ОБЪЕКТ



Республикамиздаги мавжуд музей ва меъморий ёдгорликлар ичидан Самарқанддаги Хўжа Дониёр мақбараси энг яхши маданий объект деб топилди.

Самарқанд давлат бир-

лашган тарихий-меъморчилик ва бадий музей-қўриқхонаси тасарруфидаги мазкур мақбарада 2011 йил Президентимиз ташаббуси билан реставрация-қурилиш ҳамда ободонлаштириш

ишлари олиб борилди. Объектга ташриф буюрувчилар учун қулай шароитлар яратилди.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Turkiston

МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6996



БОШ МУҲАРРИР

Каримов  
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир хайъати

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Абдумаликова  
Зарнигор  
Абдурашидовна

Саҳифаловчи

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.  
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-156.  
Адади — 11167

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.25  
ЎЗА якуни — 21.15

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5

Хазина

Алишер Навоий

ҲИКМАТЛАР

\*\*\*

Амон-яхшини Менеридин англагил,  
Амонли — амон, яхшини — яхши бил.  
Амонли агар яхши қилсанг гумон,  
Эрур яхшини ҳали дегандек амон.

\*\*\*

Ҳар қилсаки, айламас олмуғмоғни ҳайл,  
Эфронни ипак қилмур, ҳаёқ баргани бол.

\*\*\*

М.м. ўқуб, қилмагон амал макбул,  
Дона соғиб, кўтармади маҳсул.

\*\*\*

Олтур-қулмури этма касб давлат қунидин —  
Қил, тортар адаб улусни меҳнат тунидин.  
Тар йўқтур адаб, не суд олтур унидин,  
Элнинг адаби ҳушироқ эрур олтурунидин.

\*\*\*

Майдони саҳо ибра жаҳодат кўргуз,  
Монгонни берур амурига оғат кўргуз,  
Бухл айласа, нарсинга ағоват кўргуз,  
Ҳар қилмаки топилса, саҳоват кўргуз.



Зукко мухлис  
ВИКТОРИНАСИ



«Етти фавж қўшимини кетма-кет душман устига юбориб туришни маслаҳат кўрдим. Жангу жадал ўти (қўкка) кўтарилгач, амр қилдимки, ҳировул фавжлари пистирмадан туриб ғанимга ўқ-ёй ёғдирсин. Шиқовул ва чаповул қанотидаги фавжларга эса ҳужумга ўтишни буюрдим».

Соҳибқирон Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида баён этган мазкур жумлалардаги «ҳировул», «шиқовул» ва «чаповул» сўзларига изоҳ беринг.

Жавобингизни 16 январь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совгалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
**Хусайний.**

Бухоро шаҳридан Феруз Маҳмудов тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатъра

Ким машаққат чекди — топди ғазна ҳам,  
Ким тиришқоқ бўлди — кўп топди қарам.

Жалолiddин Румий